

АЛИШЕР НАВОЙНИНГ «МАХБУБ УЛ - ҚУЛУБ» АСАРИДА МУСИҚИЙ – ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАР

Гафурова Хурида Курбаналиевна

*Тошкент Вилояти ихтисослаштирилган маданият мактаби
“Академик хонандалик” йўналиши мутахассис ўқитувчиси*

Аннотация. Ушбу мақола улуғ мутаффакир шоир, давлат арбоби хазрат Мир Алишер Навоий ижодининг беназир обидаларидан бўлмиш "Махбуб ул-кулуб" асарида алломанинг мусиқий-эстетик қарашларини ўрганиб, уларнинг тарбиявий ахамиятини ёритиб беришга қаратилган. Мақолада муаллиф Навоийнинг олтмиш йиллик ҳаётига яқин бўлган йирик насрий асарнинг яратилиш мақсади, унинг уч қисмлиқ тузилиши хусусиятлари, энг асосийси, санъат аҳлига бағишланган фасл ва саҳифаларидаги жуда мароқли ва ибратли фикрлари моҳиятининг ҳозирги кунда ҳам уз долзарблигини йўқотмаганлигини " замонлар билан ҳамнафаслик фазилатини намоён этади" деб таъкидлайди.

Аннотация. В данной статье рассматриваются музыкально-эстетические воззрения великого мыслителя, поэта и государственного деятеля Хазрата Мир Алишера Навои, один из уникальных памятников его творчества «Махбуб уль-Кулуб», и делается попытка объяснить их воспитательное значение. В статье раскрываются цель создания большого прозаического произведения, завершившего шестидесятилетнюю карьеру автора Навои, особенности его трехчастной структуры, главное, очень интересные и интересные главы и страницы, посвященные духу искусства.

Annotation. This article examines the musical-aesthetic views of the great thinker, poet and statesman Hazrat Mir Alisher Navoi, one of the unique monuments of his work "Makhbub ul-Kulub", and tries to explain their educational importance. In the article, the goal of the creation of a large prose work that ended the author Navoi's sixty-year career, the features of its three-part structure, most importantly, the very interesting and interesting chapters and pages devoted to the spirit of art emphasizes that the essence of his great ideas has not lost its relevance even today.

Калит сўзлар: мусиқа, санъат, созанда, хонанда, маҳорат.

Ключевые слова: музыка, искусство, музыкант, певец, мастерство.

Key words: music, art, musician, singer, skill.

Буюк мутафаккир, олим, мусиқачи, рассом ва давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг асосчиси, Бобурнинг таъбирича, “тили Андижон шеваси билан рост” бўлган шоир Низомиддин Мир Алишер Навоийни бутун турк дунёси “шамс ул – миллат” – миллат қуёши деб улуғлайди.

Навоий – дину-давлат ҳомийси, шаръият ҳамда миллатнинг пушти паноҳи, кўплаб лирик шеърлар, тарихий, илмий ва дидактик асарлар яратиши билан бир қаторда мусиқа санъати билимдони, ўз замонаси

муסיқачиларининг ҳомийси сифатида санъат ривожига улкан ҳисса қўшиб, унда ўчмас из қолдирган буюк шахсдир.

Муסיқадан чуқур илми бўлиб, ёшлигидан ўзи ёзган шеърларига куй басталаган улуғ шоир “Мажолис ун-нафоис” (“Нафис мажлислар”) тазкирасида ўз замонасининг кўзга кўринган бастакори Хожа Юсуф Бурхон ҳақида ёзар экан, “фақир муסיқий фанида анинг шогирдимен” деб ёзади (Алишер Навоий. – Т., 1997:51). Шоирнинг қатор куйлар яратганлиги ҳақида Бобур Мирзо “Яна муסיқада яхши нималар боғлабтур. Яхши нақшлари ва яхши пешравлари бордур” деб таъкидлайди (З.М. Бобур. Бобурнома. – Т.: “Шарқ”, 2002. 132).

Навоийнинг кўплаб хассос ва жарангдор шеърлари асрлар давомида куйга солиниб, севиб ижро этиб келинган ва келинмоқда. Ўзининг бой ва сермазмун ижоди давомида у муסיқа санъатининг инсон ҳаётидаги ўрни масалаларига катта эътибор қаратади. Шу ўринда улуғ мутафаккирнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари алоҳида аҳамият касб этади.

Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб” асари буюк мутафаккирнинг яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашларини ўзида ифодалаган бўлиб, дунёнинг аччиқ-чучугини тотган, гоҳо “камронлиғ”, гоҳо “нотавонлиғ” топган буюк шоирнинг олтмиш йиллик ҳаётига яқин бўлган йирик насрий асардир.

У муаллифнинг ғоят мазмунли ва сермашаққат ҳаёти давомида тўплаган бой тажрибаси ва хулосаларининг йиғиндисидир.

“Маҳбуб ул-қулуб” (“Кўнгишларнинг севгани”) асари уч қисмга бўлинган:

- биринчи қисм ҳар хил одамларнинг феъл атвори ва аҳволи ҳақида;
- иккинчи қисм яхши феъл хосияти ва ёмон хислат касофати ҳақида.
- Учунчи қисм турли фойдали кузатишлар ва мисоллар ҳақида.

Навоий бу асарни яратишдан кўзлаган мақсади ҳақида асар муқаддимасида шундай ёзади: “... болаликдан то қариликка қадар кўхна даврон воқеаларидан, айланувчи осмон ҳодисаларидан, фитна кўзғовчи дунё буқаламунлигидан-товламачилигидан замонанинг ранг сингари гуногунлигидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил ҳаёл ва тараддудлар билан дайдиб юрдим, ҳар товур ва равишда бўлдим ва турли йўлларга кирдим, яхши-ёмоннинг хизматини қилдим, катта-кичикнинг суҳбатида бўлдим, гоҳ хорлик ва қийинчилик вайронасида нола қилдим, гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мажлис қурдим...” (Маҳбуб ул-қулуб. Алишер Навоий. – Т., 1983:3).

Маснавий:

Гаҳи топтим фалакдин нотавонлиғ,
Гаҳи кўрдум замондин камронлиғ,
Басе иссиғ, совуғ кўрдум замонда,
Басе аччиғ, чучук тоттим жаҳонда.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг санъат аҳлига бағишланган фасл ва саҳифалари жуда мароқли ва ибратлидир. Даставвал шуни айтиш лозимки, Навоий бу

асарида санъат аҳлининг тўрт тоифасига ўрин беради. Улардан бир гуруҳи созанда ва хонандалар, иккинчи гуруҳи сўз санъаткорлари бўлган нотиклардан иборат.

Алишер Навоий санъат аҳлининг қаламга олинган ҳар бир тоифасини муфассал муҳокама қилади ва бу санъаткорлар ижодидаги ижобий ва салбий моментларни, улар характеридаги яхши ва ёмон жиҳатларни ёритиб беради.

Айтайлик, Навоий “Мутриб ва муғаннийлар зикрида” сўзлар экан, уларнинг “иккаласига дарду ҳол аҳли жон қилурлар фидо” деб юксак баҳо беради. Чунки Навоий таъкидлашча, “кўнгил қуввати – хушнавоздин, руҳ кути – хушовоздин”. Бугина эмас, шоир юксак мусиқа ижрочилик санъатини айрим диний маросим ва удумлардан ҳам юксак кўяди ва дедик, “...қонун ва чағони асбобларининг ноласи кулоққа эшитилганда, шу пайт ойдек соқий қадаҳларга май куйиб, таъзим билан узатса, парҳездорликка ким эътибор берадию, ақл-хушнинг ихтиёрини ким ўз кўлида тута олади (Маҳбуб ул-қулуб. Алишер Навоий. –Т.,1983:6)

Созанда ва хонандалар ҳақида гапирар экан, Алишер Навоий булардек киши руҳига таъсир этишга қобил кишилар сирасида ҳам, саёқ сийратли, тиламчилари ҳам бор эканлигини айтади. Шоир бундай аксарий “Эркак сувратидаги таннозлар ва башанг кийим кийган уй бузар ахлоқсизлардир”, баъзилари “ўлгудек қайсар ва дағал сўзли, кўшиқ айтиб, соз чалиб, одамларни таловчи йўлтусардирлар” деб койинади Навоий.

Шу жиҳатдан қараганда “Маҳбуб ул-қулуб”даги санъаткорлар ҳақидаги қайдлар асарнинг барча давр, замонлар билан ҳамнафаслик фазилатини намоён этади.

“Шодлик оширувчи хонанда: ғамни тарқатувчи созанда-буларнинг ҳар иккисига ҳиссиётга берилган кишилар ва аҳли дардлар жон фидо қиладилар.

Модомики улар мулойим тарона билан куйлар эканлар, эшитувчининг нақд ҳаёти унга фидо бўлса не ғам? Ахир, кўнгил хуш оҳангдан қувват, руҳ эса хуш овоздан озиқ олади. Ёқимли овозу маҳорат билан куйлайдиган хонандадан дард аҳлининг ўти яна алангаланари. Агар гўзал бўлса, ҳиссиёт аҳлининг ўртасида қиёмат кўтарилади. Ҳар бир созанданинг куйи дардлироқ ижро этилса, унинг чертиши дардли юракка қаттиқроқ таъсир қилади. Очик чехрали хонанда ёқимли овоз билан куйласа, дардли одамнинг куйган бағридан тутун чиқаради. Фаҳм-фаросатли созанданинг ёқимли ижроси ҳатто тошкўнгил одамни ҳам мафтун қилади. Хусусан ўзи чалиб, ўзи куйласа, кўнгил мулкига кўзғолон солади.

Навоий созандалик ва хонандалик санъатининг ана шу моҳияти ва хосиятини юксак тақдирлайди: ”Сулук аҳлига яширин бўлган бу манзилда инсон ҳам камолот топади, ҳам зарар орттиради. Солик бу ерда бир дардли оҳ билан мақсадига етибдур ва бир наъраи жонкоҳ билан йиллар бўйи қозонгани ҳам илгидан кетибдур”(Маҳбуб ул-қулуб. Алишер Навоий. –Т.,1983:29). Шунинг учун ҳам ўша замоннинг машҳур санъаткори бўлган Шиблий ва Нурийларнинг номини самимият билан тилга олади: “Шиблий ва Нурий...

самоъда кетдилар ва бу йўл тариқат бирла мақсад манзилига етдилар. Кўп оллоҳни истагувчилар арғанун–орган садосига мафтун бўлиб, бутхонга кирди ва дину ислом нақдини муғбачаларга бой бердилар”(Маҳбуб ул-кулуб. Алишер Навоий. –Т.,1983:30).

Чиндан ҳам моҳирона ижрочилик санъатининг эмоционал таъсир кучи шу қадар юксакки, мана шундай пайтларда тингловчи дилига санъат асаридан бошқа нарса малол келади. Ўрта аср буюк олими Абу Наср Форобийнинг”ўзларига маълум бўлган мусиқавий санъатлардан тўғри фойдаланишга одатланган одамлар таҳсинга сазовордирлар”(Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.,2018:34), деб таъкидлаши Алишер Навоийнинг санъат борасидаги барча фикрлари нечоғлик теранлигини ифодалайди.

Адабиётлар рўйхати

1. Алишер Навоий. “Мажоли ун-нафоис”\ Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 13-жилд. – Т.:”Фан”,1997, 51б.
2. Заҳириддин Муҳаммад Бобур.Бобурнома. – Т.:”Шарқ”,2002.132 б
3. Маҳбуб ул-кулуб.Алишер Навоий.–Т.:“Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти “, 1983.3б
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т., 2018:34